



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (11.468)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислон Каримов  
10 август куни Оқсаройда Корея  
Республикаси Президентининг  
махсус вакили Ан Санг Суни  
қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалалари, кўплаб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар борасида ҳамфикр-дир. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш билан бирга, халқаро майдонда бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида парламентлараро алоқалар фаоллашмоқда. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасида парламент делегацияларининг ташрифлари йўлга қўйилган.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея кўплаб соҳаларда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоясининг умумий ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестивал, кўрғазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ан Санг Су самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорлики бундан буён ҳам барча соҳаларда кенгайтириб бораверишига тайёр эканини таъкидлади. Корея Республикаси Президентининг мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Президентига йўлаган мактубини топширди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ҲАМИША ГЎЗАЛ ВА НАВҚИРОН ТОШКЕНТ

**Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар  
саройида Тошкент шаҳрининг 2200  
йиллигига бағишланган «Ҳамиша гўзал  
ва навқирон Тошкент» мавзуда  
учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, ёш аскар ва офицерлар, уларнинг оила аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Ж.Исмоилова, Халқаро Амир Темур жағфармаси раиси Мухаммад Али ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов

раҳнамолигида, истиқлол йилларида пойтахтимизни янада обод ва гўзал шаҳарга айлантириш, бу ердаги тарихий обидаларни тиклаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон тарихи Давлат музейи томонидан ташкил этилган Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунига оид кўчма экспонатлар кўрғазмаси ҳарбийларда катта қизиқиш уйғотди.

**Х.САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўшиқлар кўрик-танловининг республика якуний босқичи бўлиб ўтди.**


✓ **БУГУН «Алоқачи» ёғи болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Ёдимда қолган дамлар» деб номланди.**

✓ **СЕРГЕЛИ** туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, педагоглари иштирокида «Соғлом авлод — соғлом келажак» мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Маънавият тарғибот маркази, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳамкорликларида «Ҳамиша навқирон, гўзал Тошкент» мавзуда уюштирилган тадбир азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ



## ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!

**Барчамиз учун Энг улуг ва энг азиз байрам  
Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда жонажон  
шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик қутлуг  
тўйига ҳам санокчи кунлар қолди. Ушбу  
шодиёна байрамларни Юнусобод тумани  
аҳолиси, каттаю кичик барча соҳаларда  
гайрат билан меҳнат қилиб, муносиб совғалар  
билан кутиб олишга азму қарор қилган.**

Шаҳримиз туманлари орасида ўз номига ярашқили Юнусобод тумани ободлиги, кўркам ва файзлилиги, одамларнинг меҳр-оқибатлиги, баҳамжи-хатлиги, саховатпешалиги билан алоҳида ажралиб туради. 1936 йилда ташкил топган ушбу туманда айни кунда жами 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 296,7 нафар турли миллатга мансуб кишилар аҳил ва тотувликда истиқомат қилмоқда. Айтиш жоизки, тўйга тўёна билан бориш халқимизга хос азалий удумларимиздандир. Аввало ободончилик, тозаллик, саранжом-сарийшталлик, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган туманда бугун яратилган янада яшнатилган ишларидан кўзингиз қувнайд. Жумладан, туман шохқўчаларига 3060 дона манзарали, 1735 дона игнабаргли, 232,0 минг дона бир йиллик ва кўп йиллик, 1100 дона буталар, 6200 дона атиргуллар, 2000 туп терак, 125 туп турли манзарали дарахт ўтказилди. Шохқўчалардаги 25000 туп дарахтлар оқланди, 204,0 минг погон метр ариқлар тозаланди.

Туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ривожланиш ис-

тиқболлари ҳам диққатга сазовор десак адашмаймиз. Жорий йилнинг биринчи ярмида туманда 100,1 миллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 109,9 фоизни ташкил қилди, истеъмол моллари ҳажми 48,0 миллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 127,4 фоизга тенг бўлди. 2009 йил 1 июль ҳолатига кўра ишлаб чиқариш соҳасида 684 та корхона фаолият кўрсатиб, улардан 11 таси ўрта корхона, 56 таси кичик корхона, 617 таси эса микрофирмалардир. Йил бошидан буён яна 74 та янги корхона ташкил топган. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, туманда жорий йил бошидан 59,4 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди, шунинг ҳисобида бир қатор ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Биринчи ярим йилликда 18,7 минг метр квадрат турар жой фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 1260 ўринли 2 та мактаб биноси, 180 ўринли битта академик лицей биноси, 1920 ўринли 2 та касб-хунар коллежи бунёд этилмоқда.

Мазкур объектларни янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шу билан бирга Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси ҳисобига 19-мавзуда спорт мажмуаси бунёд этилаётганлиги ҳам қувонарлидир.

Шуни ҳам қайд этиш кераки, туманда йилнинг биринчи ярим йиллигида 87,5 миллион АҚШ доллари миқдорда тайёр маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган, ўсиш суръати 133,7 фоизни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда туманда фаолият кўрсатаётган 5509 та корхона ва ташкилотлардан 4097 таси хусусий ёки кичик бизнес субъектларидир. Жорий йилнинг бошидан уларнинг сони яна 406 тага кўпайди. Шунинг ҳисобига 1628 та янги иш ўринлари ташкил қилинди, жами кичик бизнесда 87,8 минг киши фаолият кўрсатмоқда.

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим ва кўҳна шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллигини туман аҳолиси ҳар бир соҳада гайрат ва шижоат кўрсатиб, муносиб ютуқлари ила кўтаринки руҳ билан кутиб олиш иштиёқидалар. Туманнинг қай бир гўшасига назар ташламанг, Юнусободнинг янада чирой очиб, обод бўлаётганлигига, Истиқлол шукуҳидан баҳраманд туман аҳолисининг қалбида фахр-ифтихор, она юртва садоқат, меҳрмуҳаббат туйғулари янада ошганлигининг гувоҳи бўласиз.

**(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганч шаҳрида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси ташаббуси билан Қарши шаҳар ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг аҳамияти юзасидан семинар ўтказилди.

• Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Қалаймиришкор қишлоғи ёшлари учун мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги байрамига муносиб совға ҳозирланди. Бу ерда 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг уч қаватли замонавий биноси қад ростлади. Лойиҳа қиймати 2,5 миллиард 600 миллион сўм бўлган мазкур объект «20-трест» масъулияти чекланган жамиятининг 9-вакиллиги бунёдкорлари қуриб битказишди.

• Фридрих Эберт фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жиззахда «Суд тизимини либераллаштириш жараёнларининг ОАВда ёритилиши» мавзуга бағишланган икки кунлик семинар-тренинг ўтказди.

• Навоий шаҳрининг «Тинчлик» кўрғониде яқинда ишга туширилган «Спутник-босс» масъулияти чекланган жамияти цехларида бир кеча-кундузда уч тонна сут қайта ишланмоқда. Шунингдек, жамият билан шаҳарга яқин жойлашган Кармана, Навбахор ва Конимех туманлари фермерлари ўртасида сут етказиб бериш бўйича ҳам шартнома имзоланди.

• Нукусда миллий хунармандчиликни ривожлантиришга бағишланган семинар ташкил этилди. Анжуман доирасида табиий хом ашёдан сават тўқиш бўйича мастер-класс дарслари ҳам уюштирилди. Амалий семинар тингловчиларига сертификатлар ва республика Савдо-саноат палатаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вилоят бошқармаси томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди.

## ЖАҲОНДА

• Италиянинг сомалилик қароқчилар томонидан гаровга олинган «Bussaneer» номили шатакчи кемаси озод қилинди. Жорий йилнинг 11 апрелида қароқчилар қўлга тушган мазкур кемада 16 нафар экипаж аъзоси бўлган. Кеманинг қандай шартлар эвазига озод қилингани ҳақида маълумотлар йўқ.

• Кеча Япония пойтахти Токио шаҳри атрофидаги Хонсю оролида 6,6 балли zilзила юз берди. Ер силкиниши оқибатида 70 киши енгил жароҳатланди, айрим уйларга шикаст етди, бир қанча уйлар электр қувватидан узилиб қолди.

• АҚШ 50 нафар афғонистонлик наркoбаронни террорчилар рўйхатида киритди. Эндиликда улар зудлик билан қўлга олиниши ёхуд йўқ қилиниши лозим.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар давомида нефть нархининг бир оз пасайиши кузатилди. Жумладан, Лондон биржасидаги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 73,50 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 70,40 доллардан иборат бўлди.

• Мексикада мамлакат президенти Ф.Кальдеронга суиканд уюштирмоқчи бўлган киши қўлга олинди.

• Кеча Шимолий Корея пойтахти Пхеньян шаҳридаги 1-май номили стадионда 150 минг томошабин иштирокида театрлаштирилган машҳур «Ариран» рақс-спорт шоуси ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кенг миқёсдаги тадбирда кўплаб хорижлик сайёҳлар ҳам иштирок этишди.

• Кеча Доғистоннинг Дербент шаҳридаги боғда хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан 1 килограмм тротил кучига эга бўлган мина топилиб, зарарсизлантирилди ва шу тариқа амалга оширилмоқчи бўлган навбатдаги террорчилик ҳаракатининг олди олинди.

• Тайвань мамлакатига хуруж қилган «Моракот» тўфони 12 кишининг ўлимига сабаб бўлди, 600 киши бедарак йўқолди. Табиий офат натижасида кўприк ва транспорт йўлларини сув ювиб кетган бўлиб, 110 турар жой биносиде электр энергияси узатиш тизими ишдан чиқди.

• Санкт-Петербургдаги машҳур Мариинск театри ўзининг 226-мавсумини якунлади.


• Кеча Словакиядаги шахталардан бирида рўй берган портлаш натижасида 20 нафар кончи ҳаётдан қўз юмди.

## ЮНУСОБОД ТУМАНИ



ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАМЗИ  
2200  
2009  
ТОШКЕНТ

## ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!



### Спорт — соғлиқ гарови

## ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

**Туманда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват тарзда вояга етиши йўлида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор бўлмоқда.**

Жумладан, бу борада Юнусобод болалар ва ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клуби белгиланган режа асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда клуб қошида спортнинг 11 тури бўйича 897 нафар бола шугулланиб, улардан 230 нафарини қизлар ташкил этади. Клуб мураббийлар жамоаси томонидан болалар ўртасида спортни оммалаштириш, улар учун шароитларни яхшилаш ва янги секциялар очиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган.

Ўтган давр мобайнида клубимизда таэквандо, кураш ва кўл тўпи бўйича янги секциялар иш бошлади, — дейди Юнусобод болалар ва ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клуби директори, Хайрулла Қиличев. — Мураббийлар туман ҳудудида жойлашган таълим муассасалари қошидаги спорт иншоотларида

ҳам ўзаро келишув асосида машғулотлар олиб боришади. Жорий йилда клуб базасида «Тоғ спорти ва туризми» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. Бундан мақсад, клуб қошида экстремал спорт турлари бўйича оммавийликни ривожлантириш, малакали мутахассисларни жалб этиш ва моддий-техник базани мустаҳкамлашдир.

Шуни айтиш жоизки, клуб майдончалари ёзги мавсум ҳамда бу йил нишонланадиган қўшалок байрамларимиз олдида ободонлаштирилиб, деворлар бўялди, 150 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, 150 туп гул кўчатлари ўтказилди. Томошабинлар учун ўриндиқлар янгидан бўялди. Майдончалар тартибга келтирилиб, чегара чизиклар бўяб чиқилди. Футбол майдончасини 4 метрга кенгайтириш бўйича ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда энгил атлетика

билан шуғулланиш учун сакраш хандаги қурилмоқда, умумий жисмоний машқлар учун турник ва гимнастик нарвонлар ўрнатилди. Шунингдек, болалар учун кичик гимнастик майдонча барпо этилиб, арғимчоқ ва соябон ўрнатилди, бадминтон майдончаси ташкил этилди. Мазкур спорт клуби болалар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари ва бошқалар билан ҳамкорликда турли спорт тadbирлари ва мусобақаларини ўтказиб келмоқда. Жумладан, «Умид ниҳоллари», «Соғломжон-полвонжон», «Кувноқ стартлар» ҳамда спортнинг шахмат-шашка, таэквандо, волейбол, футбол, стол тенниси, кўл тўпи ва энгил атлетика, гандбол бўйича спорт мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш керак, клуб жамоаси футбол бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаларида иштирок этиб, шаҳар миқёсида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Айни кунларда клуб аъзолари яқинлашиб келаётган шодиёна тантаналар арафасида спорт мусобақалари ташкил этиб, байрамларимизни муносиб ютуқлар билан кутиб олиш ниятидалар.

**Туманда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, шунингдек, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида кенг қўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги эътиборга моликдир.**

Миллий дастур — амалда

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА МУНОСИБ СОВҒА

Замоनावий кўринишга эга бўлган коллеж, академик лицей ҳамда мактаб биноларининг қад ростлаётганлиги, эскиларининг қайта таъмирланаётганлиги ҳар биримизни қувонтиради албатта. Жумладан, туманда янгитдан бунёд этилган 272-умумтаълим мактаби биносида бугунги кунда қурилиш-пардозлаш ишлари авжида. 159-трест, 70-қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан бунёд этилаётган мактаб биноси қурилишида Тошкент Архитектура-қурилиш институти «Бунёдкор» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари ҳам гайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда бинода 53-қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди 272-мактаб директори Абдуваҳоб Нурмухамедов. — 160 нафар қурувчи уч сменада жадал иш олиб бормоқда. Мактабимиз 630 ўринга эга бўлиб, Давлат умуммиллий дастурига асосан янгитдан бунёд этилмоқда. Мактаб биносида энг замонавий жиҳозларга эга 2 та компьютер хонаси, жаҳон андозлари даражасидаги янги спорт зали, 105 ўринли мажлислар зали, кутубхона ва ўқув заллари, химия, биология, физика, лаборатория хоналари, шунингдек 86 ўринли ошхона мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Мактабимизда 47 нафар тажрибали ўқитувчилар имкониятлардан оқилона фойдаланиб, илғор педагогик технологиялар асосида таълим самарадорлиги ва сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда фаолият олиб борадилар. Айтиш жоизки, режа бўйича бу йил биринчи синфга 106 нафар ўқувчи қабул қилинади. Келгусида мактабимизнинг инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган ўқув масканига айлантириш ниятидамыз. Ҳозирги кунда мактабда тозалаш, ободонлаштириш ишларида мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Яқин кунларда мактаб биносини фойдаланишга топширишга азму қарор қилган қурувчилар режада белгиланган вазифаларни муваффақиятли урдалашмоқда. Шунингдек, мактаб атрофлари ободонлаштирилиб, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш ишлари амалга ошириляпти.

Дарҳақиқат, қўли гул бунёдкорлар томонидан барпо этилаётган замонавий мактаб биноси Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик қутлуғ тўйи ҳамда янги ўқув йилига ўқитувчи ва ўқувчилар учун муносиб совға бўлади.

**Маълумки, ҳар бир шаҳарга унинг бозорининг тўкин-сочинлиги, саришталиги, озодалиги, тартибига қараб баҳо берилади. Зеро, бозорнинг фаровонлиги халқнинг турмуш даражасини белгилайди. Четдан келган меҳмон бозор айланиб, шу шаҳар аҳолисининг турмушидан бохабар бўлади.**

## ЭЛ ДАСТУРХОНИГА — САРА МАҲСУЛОТЛАР

Эл дастурхони тўкинлигини таъминлашда тумандаги «Юнусобод дехқон бозори» очик акциядорлик жамиятининг ўзига хос ўрни бор. Туман аҳолисини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олиш ва сотувчи-харидорларга қулайликлар яратиш бўйича мазкур бозор тасдиқланган режа асосида фаолият кўрсатмоқда.

Барчамиз учун Энг азиз ва энг улуг байрамимиз Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг қутлуғ тўйи олдида бозор ҳудудида кенг қўламда ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди «Юнусобод дехқон бозори» ОАЖ бошқаруви раиси ўринбосари Шерзод Икромов. — Бозорда йил бошидан буюн ҳудуддаги барча ирригация тармоқлари тозаланиб, таъмир-талаб жойлар, барча йўлақлар, сотувчи ва харидорлар ўтиш жойлари таъмирланди. Бозор ҳудудидаги 780 квадрат метр жойга асфальт ётқизилди. Барча дўконлар қайта таъмирланмоқда. Ҳозирги кунда жамият қошидаги «Матонат кўзгу» шўъба корхонаси томонидан вилоятлардан сабабот маҳсулотлари келтирилиб, 17 та савдо расталарида арзон нархларда сотилмоқда. Шунингдек, сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида жамиятнинг 6-шоҳобчаси ҳуду-

дида 169 ўринли савдо ўринлари қурилиб, ишга туширилди. Шу билан бирга қўл ва меваларни ювиш учун 3 та кўшимча жой қурилди. Пишкичлик мавсумида мевалар савдосини ташкил этиш учун жамиятнинг 3-шоҳобчаси ҳудудида кўшимча 68 та савдо ўринлари ташкил қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бозор маъмурияти байрамларимиз олдида Тошкент вилоятининг Тошкент, Қўнраб туманларидаги фермер хўжаликлари ва агрофирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, аҳоли гавжум жойларга савдо расталари қўйиб, арзон ва сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилишини таъминламоқда. Бозор ҳудудида иккита замонавий новвойхона ва 23 та дўкон қурилди, алоҳида гўшт мажмуаси, сут ва сут маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари сотиладиган шоҳобчаларда ҳар ойнинг учинчи душанбасида санитария, тозалаш куни ўтказилади. Шунингдек, жамият ҳудудидаги барча умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари йил бошидан таъмирланиб, санитария талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилган.

Айниқса бозорда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Баҳор мавсумида бозор ҳудудида 50 туп арча дарахти, 40 туп мевали дарахт, 1000 дан зиёд манзарали гул кўчатлари ўтказилди.

### Тиббиёт масканларида

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЙЎЛАБ

Шу жумладан, бу соҳада олиб борилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик, қайта таъмирлаш ишларининг барчаси аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида қилинаётганлиги эътиборга моликдир.

Маълумки, туманда энг кўзга кўринган шифо масканларидан бўлган 7-шаҳар клиник шифохонаси шаҳримиз аҳолисини сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда ушбу тиббиёт масканида кенг қўламда қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўтган йили жарроҳлик, кардиология ҳамда реанимация бўлимлари қайта таъмирланиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Шифохона Собир Раҳимов, Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманлари ҳамда Қўнраб тумани аҳолисини шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатади. Шифо масканида 4 та корпус бўлиб, хирургия, неврология, кардиология, лор, стома-

**Туманда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар диққатга сазовор бўлмоқда.**

тология, реанимация бўлимлари мавжуд. Клиникада шифолиқ келтирилган беморларга тезкорлик билан тиббий ёрдам кўрсатилади. Ҳар йили бу ерда ўн мингга яқин бемор стационар шартда даволаниб қайтади, шунингдек, ҳар йили 45 мингга яқин беморлар муружаат қилишади, — дейди мазкур шифохона бош шифокори ўринбосари Суннатбек Носиров. — Шуни айтиш жоизки, айни кунларда шифохонамизда янги диагностика бўлими барпо этилмоқда. Замонавий тиббий аппаратлар билан таъминланадиган мазкур бўлим шодиёна байрамларимиз арафасида фойдаланишга топширилди.

Эндиликда ушбу бўлимда беморлар комплекс текширишдан ўтказилиб, уларга аниқ таъхис қўйилади ва соғломлаштирилади. Бўлимда УЗИ, ЭКГ, рентген, ЭХО эндоскопия, томография сингари замонавий тиббий аппаратлар ўрнатилди.

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз ҳамда гўзал ва бетакорр Тошкентимизнинг 2200 йиллик тўйи олдида шифохонада ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, дарахтларга шакл бериб оқланди, арча ва кўл йиллик гул кўчатлари ўтказилди. Зеро, шифо масканига аввало озодлик, ободлик ва кўрамлик ярашади.

(Саҳифа материалларини Дилором ИКРОМОВА тайёрлади).

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

### Иқтисодиёт

## ХАРИДОРНИ ТОПМОҚДА

**Мамлакатимизда тadbиркорликнинг ривожини таъминлашда соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривож топиб, уларнинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратишдаги ҳиссалари ошиб бормоқда. Ана шундай тadbиркорлик субъектларидан бири «Хорунбек сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига эндигина бир йилдан ошди. Бозорни ўрганиш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар эса харидорини топмоқда.

— Корхонамизда буюртмалар асосида устки кийим-кечақлар тикишни йўлга қўйганмиз, — дейди жамият раҳбари Дилрабо Содикова. — Цехимизга Таиланддан келтирилган бичиш ва тикиш дастгоҳлари ўрнатилган. Ушбу замонавий машиналар сифатли маҳсулот тайёрлашда чеварларимизга қўл келмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида қўллаб-қувватлаш фирми, коллеж ва лицейларнинг буюртмалари муваффақиятли урдаланганлиги, либослар дизайнига алоҳида эътибор қаратилгани боис ҳам миқозларнинг қўлайлишига эришилмоқда. Бозорни, харидор дид ва талабини ўрганиш асосида иш юритиш эса яхши самаралар бермоқда.

Корхонада айни пайтда ўз ишининг усталари меҳнат қилишяпти. Чеварлар Гавҳар Туропова, Азиза Ғозиева, Феруза Ниғматуллаева, Нафосат Абдураимова ана шулар жумласидан бўлиб, улар шогирдлар тайёрлашга эътибор қаратишган. Айни пайтда цехларни бир қанча хорижий дастгоҳлар билан жиҳозлашга интилаётган тadbиркорлар, йил охиригача хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринлари очишни кўзда тутишган.

Шарофат БАҲРОМОВА

### Фан

## БУЮРТМАГА АСОСЛАНГАН ТАДҚИҚОТЛАР

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-технология институтида ўзаро шартномалар бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилаётган. Бундай изланишларнинг аксарияти амалиётга татбиқ этилиб, самарадорликка эришилмоқда.**

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмаси билан куёш батареяларининг қатор янги нусхалари яратилди, иссиқлик ва нур қайтарувчи қатламларни суртишга оид технология ҳам буюртмачиларга тақдим этилди.

## ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими олимлари ҳажм, оғирлик ва энергиядан тежаб қолиш имкониятини берувчи техникавий қурилмалар яратиш борасида ҳам бой тажриба орттиришган.**


Квант нукталари моделига доир изланишлардан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Нанотехнологияга асосланган тадқиқотлар чет эллик мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотади. Германиянинг Хайделберг университети ҳамда Япониянинг Осака университети олимлари эса шу йўналишда ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар.

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Кейинги йилларда энергетика-автоматика институтида автоматлаштирилган электрик буюртма фани бўйича самарали изланишлар олиб борилди.**

Тадқиқотлар натижаси ўлароқ шу фандан лаборатория ишларини бажариш учун ўқув қўлланмаси яратилди. «Ўзгармас ток моторларини роствлаш ва бошқариш» деб номланган қўлланма ҳам босмага тайёр.

Акбар АЛИЕВ







**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ**

**ҲИКМАТЛАР**

**ИШНИ БИТИРИШ ЙЎЛИ**

Бир донишманд султоннинг хотинига муружаат этибди:  
- Менинг илтимосим ҳақида эрингизга бир оғиз шипшитиб қўйсангиз!  
- Мендан сўраб ўтиргандан кўра ўзингиз султонга айта қолмайсизми?  
- дебди малика.  
- Маликам! Шохнинг учидидаги мевани олиб ейиш учун насткни шохидан ушлаб эгши керак-да! - дебди донишманд.

**ХИЗМАТГА ЛОЙИҚ ОДАМЛАР**

Бир олим шундай деган экан:  
- Тўрт тоифа одамларга хизмат қилиш фойдадан холи эмас: тақдирлаш кўлидан келадиган, билим олишинг мумкин бўлган, дуо қиладиган ва сен учун намоз ўқийдиган, сенга зарар етказиш кўлларидан келадиган одамларга.

**КИМ ҲАҚҒҮЙ?**

Ҳақимдан:  
- Ҳақғўй одам деб кимни айтса бўлади? - деб сўрадилар.  
У жавоб қилди:  
- Тили билан дили бир бўлган одам ҳақғўй одам ҳисобланади.

**ИШҚНИНГ ХОСИЯТИ**

Икки донишманд орасида ишқ-муҳаббат ҳақида сўз кетди. Бир деди:  
- Ишқнинг хосияти ҳамини мейваси тартидан ҳасрату жафодур.  
- Жим бўл! - деди унга иккинчи донишманд. - Сен ҳеч қачон жангдан кейинги сулҳни кўрмагансан, фироқ кетидан ошол кайфини сурмагансан, софдил вишиқлардан латифроқ киши оламда топилмас ва агар бу андишадан узоқ бўлса, ундан ифлосроқ киши бўлмас.

**ЯРМИ ЁЛҒОН, ЯРМИ ЧИН**

Бир донишманд деди:  
- Бир туш кўрдим - ярми ёлгон бўлиб чиқди, ярми чин. Тушимда бир қоп олтинни елкамда кўтариб у ёқданбу ёққа юравергандан елкаларим оғриб кетди. Уйғониб қарасам, олтин йўғ-у, ammo елкам зирқираб оғриётган экан.

**МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК ОФАТИ Мухтор Шохонов айтади:**

Назаримда, аҳолининг арзимас қисми, бор-йўғи 5-8 фоизи (қанийди, хато қилаётган бўлсам!) ўзининг ақл-фаросати, ўз гоёси билан яшайди, холос. Қолганлар эса ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмасдан бировдан бир нарсани, бошқадан бошқа нарсани ўзлаштириб оладилар. Ўша нарса мос тушадими-йўқми, бу ҳақда бош қотирмайдилар. Оёғи ердан узилган кимсалар миллий ва умуминсоний маданиятнинг ўзлаштириб олишга ожизлик қиладилар. Улар ҳайвонот боғидаги маймунга ўхшаб кўр-кўрона тақлид қилишни биладилар, холос. Маънан қашшоқ кимсалар шундай бўладилар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Кўп йиллик хайрли анъанага мувофиқ Тошкент вилоятининг хушманзара Чимён гўшасида жойлашган «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳида ҳам мини-футбол бўйича фахрийлар ўртасида «Пахтакор — 79» жамоаси хотирасига бағишланган X анъанавий халқаро мусобақалар уюштирилди.  
Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати касба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши, «Алгоритм» корхонаси касба уюшма қўмитаси ва оромгоҳ маъмурияти томонидан ташкил этилган бу йилги мусобақаларда Россия, Германия, Франция, АҚШ элчихоналари, Европа дипломатлари терма жамоаси ҳамда «Алгоритм-1» ва «Алгоритм-2», «Ўзкабель» ОАЖ ҚҚ, «Фортуна-Самарқанд», «Навоий-ГМЗ-1», «Учқудук», «Пахтакор» фахрийлари жамоалари галаба учун кураш олиб борди.  
Таъкидлаш жоизки, хотира турнири очилиши олдидан «Аладин», «Ракс» шоу-гурӯҳлари, оромгоҳда дам олаётган ўқувчилар томонидан тайёрланган жуда таъсирчан, беихтиёр

**Сўлим оромгоҳларда «ПАХТАКОР — 79» ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ**

Маълумки, 11 августда «Пахтакор» жамоасининг машъум авиация ҳалокатига учраганига 30 йил тўлди. Шу муносабат билан жойларда кўплаб тадбирлар, хотира мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Ўтмиш хотираларини ёдга соловчи театрлаштирилган томошалар ташкил этилди.  
Сўнг турнир қатнашчилари бўлиб 12 жамоа тўрт гуруҳга бўлингани ҳолда беллашувларни бошлаб юборишди. Дастлаб «Пахтакор» ва Франция элчихонаси жамоаси майдонга тушди. Ушбу ўйинда пахтакорчи Лутфулла Абдуллаев оширилган тўпни паства туширмагани ҳолда кучли зарба билан дарвоза тўрига жойлаб ҳисобни очди ва мусобақанинг биринчи тўпини киритди. Ушбу ўйинда 1:0, 2:1 ҳисобида пахтакорчилар олдinda борган бўлса-да, 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан тугади.

Иккинчи ўйинда Россия элчихонасини 5:1 ҳисобида енгган пахтакорчилар 4 очко тўплаб, гуруҳда биринчи ўринни эгалладилар ва ярим финалда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.  
Иккинчи гуруҳда «Алгоритм-1»ни 3:1, «Учқудук»ни 7:1 ҳисобида енгди, 6 очко ва 10:2 ажойиб тўплар нисбатига эга бўлган «Ўзкабель», учинчи гуруҳда «Алгоритм-2» билан 1:1 ўйнаб, Европа дипломатлари термаси устидан 7:1 ҳисобида устун келди. Пахтакорчилар турнирда энг кўп тўп киритдилар, ушбу жамоа аъзоси А.Повалев эса 7 гол билан мусобақанинг энг

сермаҳсул ўйинчиси бўлди. Учинчи ўрин «Навоий-ГМЗ-1» жамоасига насиб этди.  
Нихоят ҳаяжонли дақиқалар етиб келиб, турнир голиб ва совриндорлари тақдирланди. Муҳлисларнинг қизгин кўллаб-қувватлашлари остида энг кучли жамоалар, ўйинчилар ҳамда ташкилотчиларга қимматбахо совғаларни икки карра Олимпия чемпиони Вера Дуюнова, собиқ пахтакорчилар Равшан Юнусов ва Шокир Исмоилов, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати касба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Шоикром Исроилов, авиация ҳалокатида ҳаётдан кўз юмган пахтакорчиларнинг турмуш ўртоқлари Алла Тазетдинова, Светлана Фёдорова, оромгоҳ раҳбари Йўлчибой Раҳимжонов топширган онлар, ўйлаймизки, қатнашчиларнинг ёдидан узоқ вақт чиқмайди.  
Дилшод ИСРОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: «Пахтакор — 79» хотира турниридан лавҳалар.  
Ҳақимжон Солихов олган суратлар

лат ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари уларнинг кўпайиши учун қулай шароит ҳисобланади. Шу билан бирга касаллик маъшиий мулоқот йўли билан ҳам юқши мумкин. Бунда касаллик беморлардан уйда, ошхона, ётқонхона ва бошқа шароитларда идиш-товоқ, кўрпа-ёстиқ ва бошқалардан умумий фойдаланиш натижасида юқди. Касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар қайнатилганда, ультрабинафша нурлар ва дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида ўлади. Микрооблар озик орқали инсон танасига тушиши биланқасаллик бошланмайди. Маълум мuddатгача касалликнинг белгилари юзага чиқмайди, лекин бу вақт мобайнида микрооблар ичада кўпайди ва токсинларни ишлаб чиқара бошлайди.  
Одам организми қанчалик курашувчан бўлса, касаллик шунча энгил кечади. Ақсарият ҳолларда катта ёшдаги одамларда касаллик клиник белгиларсиз ўтади, лекин турли йўллр билан касаллик қўзғатувчи микрооблар ташқи муҳитга ажралиб чиқди. Кичик ёшдаги болалар, айнакиса, гудаклар организмнинг курашувчанлик хусусияти ҳали тўлиқ шакланмаганлиги сабабли юқумли меъда-ичак касалликларига беришувчан бўлганлиги боис касаллик уларда озир кечади.  
Бунинг учун ҳам катта ёшдагилар, ай-

**Спорт КУБОК СОҒИБИ АНИҚЛАНДИ**

**«Пахтакор» марказий стадионига йилган минглаб муҳлислар «Пахтакор» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги финал баҳсининг гувоҳи бўлишди.**

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ушбу икки етакчи жамоалари иштирокида 2007 йилдан бери Ўзбекистон Кубоги учун жиддий баҳс бўлиб ўтади. 2007 йилда Ўзбекистон биллур соврини пахтакорчиларга насиб этган бўлса, ўтган йили «Бунёдкор» жамоаси аъзолари ҳам Ўзбекистон Кубогини кўлга киритишди. Шу боис ҳам кўпгина мутахассислару муҳлислар ушбу учрашув кизиқарли курашларга бой кечилишни тахмин қилишганди. Чунки жорий йилда ҳали чемпионат ўйинларида бирорта очко йўқотмаган «Бунёдкор» чемпионлигига асосий даъвогар «Пахтакор»га жиддий рақиб саналади.  
Дарвоқе, ҳар икки жамоа Осиё чемпионлар лигаси баҳсларини ҳам ҳозирча муваффақиятли ўтказишмоқда.  
Хуллас, тахминлар тўғри чиқди. Жамоалар муҳлисларга сермазмун, чиройли ўйин намойиш этишди. Ҳар икки дарвоза олдида кўп марта хавфли вазиятлар содир этилди. Бироқ тенг курашлар остида ўтган 90 дақиқа мобайнида Станислав Андреев томонидан «Бунёдкор» дарвозасига киритилган гол ўйин охирига қадар ягоналигича қолди ва «Пахтакор» жамоаси Кубок соғиби бўлди.  
Муҳлисларни «Пахтакор» — «Бунёдкор» ўртасида мамлакат XVIII миллий чемпионатидаги иккинчи давра учрашуви кутиб турибди. Шунингдек, агар икки етакчи жамоамиз Осиё чемпионлари лигаси турниридаги муваффақиятли оидиларини давом эттириб олишса, финалда рўбарў келишлари турган гап. (Ўз муҳбиримиз)

**Ёз мавсумининг ўта иссиқ келиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан аҳоли ўртасида ўткир юқумли ичак касалликлари ҳолатларининг кўпайиши кузатилади. Ушбу ҳасталик соғлом одамга асосан озик орқали, яъни алиментар йўл билан юқади.**

Касаллик манбаи бўлиб, ҳасталикнинг энгил, яширин шаклини бошдан кечирган беморлар, соғлом бактерия ташувчилар ҳамда бемор одам хизмат қиладди. Бундай шахслар касалликни ўзлари билмаган ҳолда кўпчилик билан мулоқотда бўлиб, юқтирадилар, эҳтиёт чоралари кўрилмаслиги оқибатида касалликнинг юқиб хавфи янада ортади. Юқумли меъда-ичак касалликларини касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар келтириб чиқаради. Бу касалликларга ичбурғу коли инфекцияси, сальмонеллез, ичкерлама «корин тифи», паратифлар, озик-овқат токсикоинфекциялари, вирусли гепатитларнинг А ва Е шакллари, вабо каби хасталиклар кирди ва умумлаштирилган ҳолда «ифлос» кўллар касалликлари ҳам деб аталади. Бу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг умумий ўхшашликлари мавжуд. Касалликни қўзғатувчи микроорганизмлар инсон жисмига озик орқали тушади ҳамда меъда, айнакиса ичак йўлида кўпайди ва уларнинг деворларини ялиглантиради. Касаллик қўзғатувчилари ўзида токсин, яъни захар ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Микрооб токсини қонга сўриблиб бутун танани захарлайди.  
Ақсарият ҳолатларда касаллик қайнатилмаган сув ва ҳўл меваларни ювмасдан истеъмол қилганда, озик-овқат маҳсулотларининг сақланиш мuddатлари ва қондаланган риюз этилмаслиги оқибатида зарарланган озик-овқат маҳсулотлари ва ифлосланган сувни истеъмол қилиш жараёнида соғлом кишига юқади. Сут, сут маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари, совиқ газаклар, са-

**Мутахассис оғоҳлантиради ЮҚУМЛИ МЕЪДА КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ**

нада, ётқонхона ва бошқа шароитларда идиш-товоқ, кўрпа-ёстиқ ва бошқалардан умумий фойдаланиш натижасида юқди. Касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар қайнатилганда, ультрабинафша нурлар ва дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида ўлади. Микрооблар озик орқали инсон танасига тушиши биланқасаллик бошланмайди. Маълум мuddатгача касалликнинг белгилари юзага чиқмайди, лекин бу вақт мобайнида микрооблар ичада кўпайди ва токсинларни ишлаб чиқара бошлайди.  
Одам организми қанчалик курашувчан бўлса, касаллик шунча энгил кечади. Ақсарият ҳолларда катта ёшдаги одамларда касаллик клиник белгиларсиз ўтади, лекин турли йўллр билан касаллик қўзғатувчи микрооблар ташқи муҳитга ажралиб чиқди. Кичик ёшдаги болалар, айнакиса, гудаклар организмнинг курашувчанлик хусусияти ҳали тўлиқ шакланмаганлиги сабабли юқумли меъда-ичак касалликларига беришувчан бўлганлиги боис касаллик уларда озир кечади.  
Бунинг учун ҳам катта ёшдагилар, ай-

ниқса ёш болаларда юқумли меъда-ичак касалликларининг арзимас белгилари — кўнгила айнакиса, қусиш, бир ёки икки марта бошдан ич кетиши кузатилганда дарров шифоқорга муружаат қилиш лозим. Касалликнинг асосий белгилари кўнгила айнакиса, лоҳаслик, тана ҳароратининг кўтарилиши ва ич кетишидир. Бу белгилар намоеён бўлганда дарҳол шифоқорга муружаат этиш зарур. Шифоқор келгунга қадар «регидрон» эритмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Касалликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлардан инфекция тарқалиши йўлларига таъсир этувчи санитария-гигиена асосий аҳамият касб этади. Уларга озика маҳсулотлари, сут маҳсулотлари санаоатида, умумий оқватланиш объектлари ва озика маҳсулотлари савдо-сотиқ санитария ва технология қондалари риюз қилиш кирди. Шу билан бирга аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш, яшаш пунктларининг чиқиндиларининг ўз вақтида олиб кетилиши, уларни зарарсизлантириш, пашшалар билан курашиш ҳам асосий ўринда туради. Бундан ташқари кўча-кўйларда тайёрланиш шароити маълум бўлмаган «ўрик шарбати», «айрон» каби ичимликларни истеъмол қилмаслик, мева ва поллиз маҳсулотларини ювиб истеъмол қилиш талаб этилади.  
Агарда шу тавсияларнинг биронтасига риюз этилмагани ҳолда, юқорида қайд этилган ҳасталик белгилари пайдо бўлса, зудлик билан тиббий ёрдам олишга муружаат этиш зарур.  
Феруза РАҲМАТОВА,  
Учтепа туман ДСЭММ эпидемиология бўлими мудир

**Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ОҒОҲЛАНТИРАДИ:**  
Маълумки, ҳар йили ёзги мавсумда об-ҳавонинг исиб кетиши натижасида одамларнинг сувда чўмилишига эҳтиёж ортиши табиий. Тўғри, оқар сувда чўмилишининг ҳам ўзига хос заводи бор. Афсуски, сувга чўкиб кетиш билан боғлиқ бўлган кўнгилисиз ҳодисалар ҳам учраб турибди. Сувга фарқ бўлганларнинг ақсарияти кўрикланмайдиган сув ҳавзаларида кўпроқ кузатишмоқда. Аячли томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисmini болалар ташкил этади. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яқши билмаслиги, чўмилиш қондаларига риюз қилмаслик ва бошқа омиллардир.  
Умумий тахлилларга қараганда, чўмилиш хавфсизлиги қондаларига риюз қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмалик, яъни кўткарув усулларидан беҳабарлик, кирғоқдагиларга ёрдам кўрсата билмаслик сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сузиш пайтида энгилтақлик ёки лоқайдлик билан ўз кўнига ортқича ишониш, сувда ва қайикда безорилик ёки номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиш ва нотаниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилисиз оқбатларга олиб келиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга ҳар бир инсон риюз қилса, бир қанча нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўлар эди.  
**Ҳурматли ота-оналар!** Болаларингизни сувга чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан асрашни истасангиз, доимо оғоҳ бўлишни, фарзандларингизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирмаслигини маслахат берамиз.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**  
Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир **Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нускада босилади. Қоғоз бичими А-2  
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига муружаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳфаланди.  
«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босямонос. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
12 45  
Топширилган вақти: 13.22